



# ОИЛА ИНСТИТУТИ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ-СОЦИОЛОГИК КОНЦЕПЦИЯЛАР

Наргиза Абдуллаевна Хушвақова, социология фанлари

бўйича фалсафа доктори, Андижон давлат университети ўқитувчиси

**Аннотация.** Марказий Осиё ўрта асрларда дунё илм-фанининг марказига айланганлиги ва ўзбек олимларининг илм-фанда яратган кашфиётлари, янгиликлари баён қилинган. Хориж олимларининг ижтимоий хизматни шакллантириш ва ривожлантиришга оид назарияларидан намуналар ҳавола қилинган. Бугунги кунда оилани ижтимоий ҳимоя қилишдавлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги муҳим аҳамиятга эгалиги қўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар.** Маҳалла институти, ижтимоий ҳимоя, жамият, оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий муносабатлар, назарий методологик ёндашувлар, оила социологияси.

Оила фуқаролик жамиятининг дастлабки ижтимоий институти ҳисобланади. Шарқда оила тушунчаси қадимдан муқаддас саналиб, оила қуриш, никоҳланиш, қонқариндошлиқ, ўзаро ёрдам ва кўмак, оилани қўллаб-қувватлаш анъана ҳисобланган ҳамда муҳтоҷлар маҳалла, эл-юрт томонидан доимо қўллаб-қувватланган. Бунда ўзаро муносабатлардаги ҳурмат, камтарлик, оила аъзолари ва қариндошлар соғлиғи, турмуш ўртоғи, фарзандлари учун қайғуриш алоҳида ўрин тутган. Шу ўринда оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий хизмат қўрсатиш соҳасини ўрганиш мақсадида оила институти, оилавий муносабатлар, ижтимоий ҳимоя ва унинг механизмлари йўналишиларида изланиш олиб борган қадим, ўрта аср ҳамда янги давр Шарқ ҳамда Ғарб олимларининг ишларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ислом дини ва миллий анъаналар таъсири қадим Шарқ алломаларининг қарашлари ҳамда асарларида ўз ифодасини топган. Буюк олимлар Имом ат-Термизий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Кошғарий, ўрта асрларда Навоий, Бобур, кейинчалик А. Фитрат, М. Беҳбудий, А. Авлонийларнинг асарларида жамият ривожи, оила, инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти муаммолари юзасидан муҳим фикрлар билдирилган. Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари асарларида оила



мустаҳкамлиги ва ўзаро ёрдам шарқона тамойил асосида ташкил этилган. Жумладан, Имом Абу Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорий **Имом ат-Термизий** (таҳминан 824-825 – 894-895 йиллар) ўзининг машҳур “Сунани Термизий” (“Жоме ат-Термизий”, “Саҳиҳи Термизий”) асарида<sup>41</sup> қўплаб ҳадисларни келтириб, оилавий ва жамиятдаги ўзаро муносабатлар шу ҳадислар орқали шарҳланган. Ундаги асосий ғоя жамият аъзоларининг илм эгаллаши, инсонпарварлиги, ўзаро хурмати, меҳр-муҳаббати, ватанпарварлиги, халлоллиги ва поклиги каби қадриятларга бориб тақалади. Жумладан, ушбу асарда “Оллоҳ назарида энг яхши киши ўз қўшниларига яхшилик қилувчисидир” деган жумласида ижтимоий иш ва ўзаро қўллаб-куватлашнинг куртакларини кўриш мумкин. Термизий ҳадисларининг кўпчилиги кишиларни ахил, иноқ бўлишга, жамоага фойда келтиришга, дўстликка, биродарликка ундейди: “Барча мусулмонлар ўзаро биродарлар, улар ҳеч қачон бир-бирларига ёмонликни раво кўрмасликлари керак...“. Улуғ алломанинг қариндош-уругларни хурмат қилишга, марҳум ёки ота-оналарнинг дўстларини иззат-хурмат кўрсатишга, яқинлари билан алоқа боғлаб туришга, унутмасликка, айникса, ота-онага юксак ва чуқур хурмат ва эътиқод билан қарашга ундовчи ҳадислари анча.

Абу Наср Форобий (870/871-950/951) нинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида<sup>1</sup> инсон камолоти, баҳти, таълими, тарбияси, аҳлоқи, эътиқодига муносабати аҳлоқ назариясини бойитди. Унинг фикрича, ҳақиқий баҳтга бир одамнинг бошқасига нисбатан ғайирилиги, зулми йўқолгандагина эришилади. Бу жамоадаги одамларнинг бир-бирларига самимий муносабатлари, меҳру-оқибатлари, ўзаро ёрдамини, яъни бугунги кунги ижтимоий муҳофазасини назарда тутади.

Туркистон миллий Уйғонишида бениҳоя катта ўрин эгаллаган **Абдурауф Фитрат** (1886—1938) нинг 1914-йилда ёзилган “Оила ёки оиласи бошқарииш тартиблари” асарида<sup>42</sup> у оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, тартибга солиш, ва ижтимоий хизмат кўрсатадиган тизимнинг таркибий

<sup>41</sup> Сунани Термизий ҳадис тўплами таржимаси ҳакида маълумот <https://hadis.uz/page/sunani-termiziy>

<sup>1</sup>Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: -224б. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 224б. Имом ал-Бухорий . Ал - адаб -муддиф. Т. Ўзбекистон, 1990. - 1996.

<sup>42</sup>Abdurauf Fitrat. Oila. <https://kh-davron.uz/kutubxona/jadidlar-kutubxona/abdurauf-fitrat-oila.html>



қисмларини тўлақонли фаолият кўрсатиши, унинг ташкилий-хуқуқий жиҳатлари тўғрисида керакли таклиф ва тавсиялар берган. Унда жисман ва аҳлоқан соғлом оила ва фарзандлар миллат тақдирини белгилаб беришини таъкидлаган. Унинг назарида мамлакат тақдири ва истиқболи баркамол фарзандлар ва аёлларга бўлган муносабатида ёрқин намоён бўлади. Фитрат миллатнинг камчилиги сифатида саводсизликка ургу берган.

**Шарқ ўрта асрларда дунё илм-фанининг марказига айланди. Бу марказда астрономия, математика, геометрия, тиббиёт, география, геодезия, табиатшунослик, кимё, тарих, қонуншунослик фанларининг буюк намояндалари етишиб чиқдилар. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Синодан тортиб Мирзо Улуғбек, Али Кушчигача яшаб, илмий фаолият кўрсатган улуғ алломалар сони бир неча мингдан ошади. Уларнинг илм-фанда яратган кашфиётлари, янгиликлари ниҳоятда бехисоб. Бу алломалар жаҳон тамаддунини мислсиз янгиликлари билан бойитдилар. Уларнинг яратган кашфиётларини европалик олимлар XVIII асрдан кейин ўз даврлари учун қайтадан кашф қилдилар ва амалиётга татбиқ эта бошладилар.**

Ижтимоий ишнинг фан сифатида қарор топишида Ғарб олимларининг ҳиссаси катта. Оила социологияси ва ижтимоий хизматлар тўғрисидаги илмий назариялар ривожланишида мумтоз ғарб социологияси вакиллари таъмал тошини қўйишган. Социология фани доирасида оила ижтимоий гурух ва ижтимоий институт сифатида, ижтимоий ҳимоя давлатнинг аҳолининг муайян қатламларининг қўллаб қувватлаш усули сифатида илмий идрок этиш бўйича турли назарий методологик ёндашувлар шаклланган ҳамда оила социологияси маҳсус йўналиш кўринишида ўзининг алоҳида тадқиқот обьектига эга. Оила социологияси никоҳ ва оиланинг пайдо бўлиши, оила даври ва босқичлари, унинг таркиби ва функциялари, тарихий ривожланиш шаклларини социологик парадигма ва ёндашувлар ёрдамида таҳлил қиласиди. У XIX асрда социологиянинг фан сифатида институционаллашуви билан деярли бир вақтда мустақил билим соҳаси сифатида пайдо бўлди ва шаклланди. Оила социологиясининг кейинги тарқиёти социологиянинг кўплаб бошқа маҳсус ва



тармок йўналишлари, жумладан, ёшлар социологияси, шахс социологияси ва кексалар социологиясининг шаклланишига туртки бўлди.

Огюст Конт (1798—1857) ўз социологик назариясида оилани жамиятнинг бирламчи асоси сифатида кўриб, унинг келиб чиқишини инсоний муносабатларнинг табиий рифожланиши натижаси, деб изоҳлайди. Унинг фикрига кўра, оилада ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари ўз аксини топади<sup>43</sup>. Шунга кўра оила кичик бир давлат бўлиб, у давлатнинг шаклланиш асоси, унинг ўзига хос модели, оиланинг ижтимоий функциялари эса жамият функцияларини ўзида тўлиқ акс эттиради<sup>44</sup>. Давлат ҳам оиладаги каби ўз аъзоларини қўллаб-қувватлаши лозим.

Оила социологиясининг асосчиси француз тадқиқотчиси Фредерик Ле Плей (1806—1882) биринчи бўлиб оилани социологик таҳлилнинг марказий обьекти сифатида кўриб чиқсан. У ота ҳокимияти ҳамда анъанавий диний ахлоққа асосланган оилани ижтимоий ҳаётнинг асосий омили деб билган. Ле Плей оилаларни уч турга ажратган: патриархал, бунда турмуш қурган болалар ота-оналари бошлилигида яшашни давом эттирадилар; бекарор (замонавий нуклеар оила); маҳаллий оила, бунда турмуш қурган ўғиллардан бири оталик оиласида қолади, қолганлари эса мероснинг маълум бир қисмини олади<sup>45</sup>. Тадқиқотни ривожлантиришда Ле Плей "жамиятни тушуниш учун оилани тушуниш керак" деган позицияга амал қилди. У ўз тадқиқотида асосий миқдорий усул сифатида оила бюджетини таҳлил қилиш методини танлади. Шу усул орқали Ле Плей оила ҳаётини ташкил этишнинг бутун спектрини акс эттирди. Бир неча қўрсаткичлар бўйича таснифланган оилаларни ўрганиш, қарор топишидан то тарқаб кетгунигача кўриб чиқилган бюджет тадқиқот дастурининг бир қисмига айланди. Шундай қилиб, Ле Плей кичик гурӯҳ сифатида оиланинг ҳаёт цикли тушунчасини белгилаб берди. Келажакда оила бюджети

<sup>43</sup> Реале Д., Антисери Д. Западная философия от истоков до наших дней. — Т.4: От романтизма до наших дней. — СПб., 1997. — С. 191.

<sup>44</sup> Туров Т.А.. Теоритическое подходы к изучение семьи (2-издание). Монография. М. Институт социологии РАК.2016. - С 101.

<sup>45</sup> Немецкая национальная библиотека, Берлинская государственная библиотека, Баварская государственная библиотека. Австрийская национальная библиотека Record #118571885 // Общий нормативный контроль (GND) — 2012—2016.



тадқиқотлари кенг кўламга эга бўлди ва оила ичидаги фаолиятни ўрганишга катта хисса қўшди.

Герберт Спенсер (1820-1903), Эмиль Дюркгейм (1958-1917), ейинчалик Роберт Мертон (1910-2003), Нейл Смелзер (1930—2017), Ю.Хабермас (1929), Н.Луман (1927—1998,), Талькот Парсонс (1902—1979) ва каби тадқиқотчилар структуравий-функционализм ёндашуви асосида илмий изланишлар олиб боришид. Уларнинг назарида жамият яхлит структура сифатида фаолият олиб бориши учун ундаги вазифаларни ҳар бир элемент ўз вақтида бажариши керак. Хусусан, оиланинг етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиниши ва ижтимоий хизматнинг амалга оширилиши баъзи таркибий элементларнинг бажара олмаган ёки қониқарсиз бажарилган функцияларни руёбга чиқариш мақсадида йўлга қўйилиши лозим. Бу бажарилмаган вазифаларни компенсациялаш имконини ва жамиятнинг яхлитлигини сақлаб қолиш имконини беради. Мазкур ёндашувнинг асосида шахс томонидан амал қилиниши лозим бўлган ахлоқий тамойиллар, шахснинг хулқ нормалари ётади. Структуравий-функционализм ёндашувига кўра, оила иккита асосий вазифани бажариши лозим, биринчидан, фарзандларни ижтимоийлаштириш, иккинчидан, жамият аъзоларини барқарорлаштириш.

Н. Луман структуравий-функционализм ғоясини ривожлантирган ҳолда замонавий жамиятни турли хил маъно воқеъликларини келтириб чиқарадиган тизимлар тўплами деб қабул қилган. Ижтимоий тизимлар ўз-ўзини шакллантиради (автопойезис ғояси), ташқи дунё билан чегараларни ўрнатади ва доимий равища куйи тизимларга ажralиб туради, тизимлар ўртасида иерархия бўлмайди. Бу жараёнлар шартли бўлиб, тизимларнинг кўпайиши тизимларнинг ўзаро алоқаси натижасида таъминланади. Н.Луман фикрича, фуқаролар ўртасидаги шахсий муносабатлар кейинчалик профессионал характерга эга бўлган ижтимоий хизматларга айланади ва уларнинг сифати кафолатланади.<sup>46</sup>

<sup>46</sup> Головин Н. А. Социология Н. Лумана – этап развития общей теории социальных систем // Социологические исследования – М.: Институт социологии РАН, 2014. – № 2. – С. 86–94.



Америкалик кўзга кўринган социолог Талькот Парсонс социологияда "ижтимоий хизматлар тизими" ни ўзига хос тарзда янгича ёндашув асосида тадқиқ этган. Парсонс бўйича, якка шахсларнинг ўзаро таъсир ва муносабатлар миқёсида "бутун ижтимоий тизим" пайдо бўлади. Оқибатда, жамиятда аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ва сифати ошади, меъёрлар, қадриятлар, анъаналар янада кўпроқ такомиллашади, хизмат кўрсатиш таркибида янги замонавий шакллар пайдо бўлади. турлари шаклланади. Охир-оқибатда бу ижтимоий хизматнинг миқдорий ва сифатий ўзгаришига олиб боради<sup>47</sup>.

Немис олими Ю.Хабермас нуқтаи-назарича, ижтимоий воқелик кишиларнинг ўзаро таъсири ва ижтимоий муносабатлари асосида юзага келади, унда ахлоқ қоидалари, меъёрлар ва урф-одатларнинг ривожланиши туфайли жамият ва давлат мазмуни ўзгариб боради, тараққий этади. Ижтимоий хизматлар тизими эса жамиятдаги кишиларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари маҳсули сифатида намоён бўлади<sup>48</sup>.

М.Вебер (1864—1920), Дж.Г.Мид (1863—1931), Г.Блумер (1900—1987), П.Бергер (1929—2017), И.Гофман (1922—1982), Т.Лукман (1927—2016), А.Щюц (1899—1959) ва каби олимларнинг фикрича, ижтимоий хизматлар тизимининг ривожланишини қонуният асосида амалга ошади ҳамда шунинг асосида тариқа нодавлат секторнинг институционаллашуви содир бўлади, таъминланади.

Г. Джорж (1839—1897) ва Чарльз Кули (1864—1929) расмий интернационализм ёндашувининг тарафдорлари бўлиб, бунда жамият ягона организм сифатида гурухлар ва индивидлардан ташкил топган ҳамда уларнинг ўзаро алоқалари асосида ривожланади. Шунга кўра, оила аъзоларининг биргаликдаги харакати асосида фарзанднинг шахсини шакллантиришга эътибор қаратилган<sup>49</sup>. Қисқача айтганда, ушбу ёндашувнинг мазмуни шахснинг "мен"ини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, унда жамиятнинг ўрни муҳим саналади.

<sup>47</sup> Parsons T. The social system. N.Y. 1964. - Р. 552.

<sup>48</sup> Управление общественными отношениями: Учебник / Под общ. ред. В. С. Комаровского. М.: Изд-во РАГС, 2005. С. 17-18.

<sup>49</sup> Шибугани Т. Социальная психология. Пер.с анг В. Ольшакского. Г. Осипов. М. прогресс. 1969. - 537с.



Питирим Сорокин (1889—1968) ўзининг социологик тадқиқотларида оилавий келишмовчиликлар, уларнинг сабаблари ва оқибатларини батафсил шарҳлаб беради. Ижтимоий конфликт ёндашуви Георг Зиммел (1858—1918) томонидан гурухий конфликтлар кесимида тадқиқ этилган. Унинг фикрича, оилалар маълум эҳтиёжларни қондириш мақсадида ташкил топадиган бирламчи гурух бўлиб, ижтимоий воқеликдаги муносабатлар маълум бир мақсадларга эришиш учун шаклланган бирламчи гурух сифатида қаралиб, жамиятдаги муносабатлар айнан шу гурухларнинг манфаатлари ва мақсадлари талқинида келишув ёки конфликтли деб<sup>50</sup> баҳоланади.

Ушбу назария ва ёндашувларни тадқиқ этиш орқали Джонатан Тернер (1942)<sup>51</sup> томонидан оилавий муносабатларни тушунтиришда янги ижтимоий назарияларни қўллаш лозимлиги таъкидланган. Унга кўра, оилавий муносабатларни ўрганишда давомида қўлланилаётган назария ва ёндашувлар оила институтини тадқиқ қилишга эмас, балки оила институтининг ўзгаришига олиб келаётган умумий ижтимоий назарияни ўрганишга қаратилиши лозим. Бундай умумий назария ижтимоий назария сифатида Дж.Тернер оила институтининг трансформациясига нисбатан институционал фундаментал ёндашувни таклиф қилади. У жамият институтларига, шу ўринда оила институтига бевосита таъсир кўрсатаётган асосий макро-иқтисодий жараёнлар ахолининг табиий қўпайиши, ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва тартибга солиш каби омилларни ажратади, уларни микро ва макро даражада ўрганишга харакат қилади.

Америка социологи ва иқтисодчи Томас Вебленнинг (1857—1929)<sup>52</sup> социал институтлар ҳақидаги концепцияси асосида функционал ёндашувларни яққол кўриш мумкин. Бунга кўра оила жамият аъзоларини такрор ишлаб чиқариш функциясини бажарувчи институт ҳисобланади.

А.Б. Сидельников, С. Голоднинг илмий фаразларига кўра, оила тизимини ташкил этувчи жуфтлик, яъни эр—хотиннинг бир—бирига бўлган муносабати

<sup>50</sup> Георг Зиммель: Избранное. Созерцание жизни. — Москва, Центр гуманитарных инициатив, 2017 г. С 79.

<sup>51</sup> Джонатан Х. Тернер — Jonathan H. Turner. Энциклопедия site:wikicsu.ru

<sup>52</sup> Новейший философский словарь / Гл. научн ред. и сост. А. А. Грицанов. — Минск, 1999. —1280с.



симпатия (ёктириш), самимият, миннатдорлик ва жинсий яқинлик каби 4 хил жиҳатлардан келиб чиқиб фарқланади<sup>53</sup>. С. Голоднинг фикри илмий доираларда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, муҳим ўрин тутади. Олимнинг ишларида эр ва хотин ҳамда фарзандлардан иборат оиласидаги ҳокимият ва роллар (вазифалар) асосида типларга ажратишни таклиф этади.<sup>54</sup> Унга кўра, патриархал моногам оила – ўз моҳиятига кўра оиласидаги эркак кишининг нуфузи, унинг етакчилик роли, хотиннинг унга, фарзандларнинг эса онага тобеълигини назарда тутади. Бундай оиласида қариндошлиқ уруғининг аталиши (фамилия), шажара ва мулкка эгалик ота йўналиши бўйича амалга оширилади. *Моногам оила* – бола манфаатига йўналтирилган бўлиб, бундай ҳодиса асосан XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида пайдо бўлганлиги кузатилган. У хотин–қизларнинг ижтимоий хаётдаги ролининг ҳамда бола хуқуқларининг ортиб бориши билан изоҳланади. Бундай ҳолатларда асосий эътибор кўпроқ оиласидаги фарзандлар сонига эмас, умуман бола борлигига, унинг эъзозланишига қаратилади. Оила бюджетининг асосий қисми фарзандни тарбиялаш, унга зарур таълим ва тарбияни бериш, ғамхўрлик қилишга сарфланади. Бунда аслида бола манфаати шу қадар эъзозланадики, баъзан она факат болани ўйлаш, унга эътибор бериш йўлида ҳаттоки турмуш ўртоғидан ҳам кечишига тайёр ҳолатлар ҳам кузатилади. Бола манфаатига йўналган оиласининг ҳам турли кўринишлари бўлиб, улардан бири асторитар типдир. Бунда бола сони биттадан ёки иккитадан ота–онанинг чексиз ғамхўрлиги, уларнинг обрўси билан параллел равиша ташкил этилади. Амбилиант демоцентрик оиласида эса бола кўпроқ ота–онанинг ҳиссий–эмоционал ғамхўрлиги таъсирида бўлади. Квознавтаном демоцентрик оиласида бола хуқуқлари катта оила аъзолариники билан деярли тенглиштирилади, уларга катталар билан бир қаторда оиласий юмушларни бажариш ихтиёри, ўз ҳолича қарорларни қабул қилиш хуқуқлари берилган бўлади. Моногам бўлмаган оила тоифаси чин маънода никоҳ муносабатларига таянмайди. Бундай оиласининг уч хил кўриниши

<sup>53</sup> Сидельников А.Б. и Голод С.И. Журнал социологии и социальный антропологии. 2003.Т. VI.№2.

<sup>54</sup> Голод. С.И. Семья и брак историко –социолистический анализ. Санк–Петербург. Петроналис. 1998. С-45



мавжуд. Ажралишилар туфайли пайдо бўлган нотўлиқ оила – XX асрнинг охирида бир мунча кўпайган оила туридир. Бунга сабаб сифатида ота–оналик ролларининг бажарилмаслиги, оиласда бола тарбиясининг совуққонлик билан четлатилиши каби омиллар сабаб бўлган. *Никоҳдан ташқари оила* XX асрнинг 90-йилларида кўпайган оила тури бўлиб, асосан ёлғиз она ва фарзандлардан иборат бўлади. Бундай оила ўша даврда Ўзбекистонда 20–21 фоизни, Буюк Британия ва Францияда 32–35 фоизни ташкил этган. Бундай оиласалар вужудга келишининг икки омили кўрсатилган: ёш она бўлганлар (15–19 ёшлар) ёки аксинча репродуктив ёшдан ўтиб қолганлар (40–44 ёшлар). Бу ўринда иккита гуруҳдаги хотин–қизларнинг никоҳга кирмасдан фарзанд кўриш мотивлари турлича бўлади.<sup>55</sup>

*Муқобил оила турлари* – кам учрайдиган оила турлари бўлиб, улар айрим жиҳатлари билан фарқланиб туради ва ўз навбатида маълум тоифаларга бўлинади. Масалан, улардан бири фуқаролик ёки шаърий деб аталиб, унда эркак ва аёл расмий никоҳдан ўтмасдан келишув ёки норасмий никоҳ асосида оилавий ҳаётни йўлга кўйишади. Баъзан бундай қарорга кутилмаган ҳомиладорлик пайдо бўлганида ҳам келишлари мумкин. Альтернатив никоҳнинг яна бир кўриниши қайта никоҳланшидир. Одатда бундай никоҳ тури бева ёки тул қолган шахсларда учрайди. Қайта никоҳланганлар XIV асрда Англияда биринчи марта қайд этила бошланди. Ҳозирда ҳам бундай никоҳлар одатда бева қолганлар ёки ана шундай ажрашиб кетганлар ўртасида қайта тузилиши мумкин<sup>56</sup>.

Н.Г. Юркевичнинг ёндашуви ўзининг маънавий–маърифий табиатига эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг илмий қарашларида оиласининг функциялари сифатида кўпроқ оиладаги маънавий мулоқот ҳамда тарбиявий жараёнлар эътироф этилиб, оиладаги тартиб эҳтиёж ва истаклардан келиб чиқсан ҳолда оила аъзоларининг манфаатларига асосланган ҳолда вертикал кўринища намоён бўлади<sup>57</sup>.

<sup>55</sup> Голод С.И. Семья и брак историко –социолитический анализ. Санкт-Петербург. Петроналис. 1998. С-45

<sup>56</sup> Голод С.И. Семья и брак. историко –социалистической анализ – СПб Петровск. 1998.; Голод С.И Тенденции трансформация брака и семья. СПб. 1997. С-45.

<sup>57</sup>Маликова Т.В. Шатровой О.В. психологическая безоапстность. Дрофа. М., 2004, 283 с



А. Ваҳобов<sup>58</sup> Ўзбекистонда ижтимоий хизматларни шакллантириш ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ масалаларнинг айрим назарий жиҳатларини ва бозор иқтисодиётида ижтимоий фондларнинг ривожданишини алоҳида тадқиқот обьекти сифатида ўрганган. Д.Рахимова<sup>59</sup> пенсия тизимини ўзига хос жиҳатларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш орқали ижтимоий хизматларни давлат томонидан таъминланишининг афзалликлари ва уларнинг зарурати тўғрисидаги илмий хуносаларни шакллантирган. А.Зиявуддинова<sup>60</sup> ижтимоий хизматларни тадқиқ этиш давомида таълим хизматларининг хусусиятларига эътиборни қаратган бўлиб, унда амалга ошириладиган инвестицияларнинг устувор аҳамиятга эга эканлигини изоҳлаб ўтилган. М.Хакимова<sup>61</sup> ислоҳотлар жараёнида ижтимоий соҳанинг трансформациялашувини босқичларга ажратиб кўрсатган. Д.Рахмонов<sup>62</sup> ижтимоий соҳани молиялаштиришда бюджет маблағлари ўрнини аниқлаган, уларни баҳолаб берган ва бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқкан.

Берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, оила жамиятнинг асосий ижтимоий институти сифатида қўллаб-куватланиши муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий хизмат – жамиятнинг маълум соҳаларида, хусусан, тиббиёт, спорт, илм-фан, таълим, маданият, ҳордиқ чиқариш ва бошқа соҳаларда аҳолига, хусусан, шахс ва оиласаларга давлат ва нодавлат сектори томонидан кўрсатиладиган хизмат турларидир. У кенг оммага йўналтирилган фаолият тури бўлиб, манзилли, адолатлилик, очиқлик, ошкораликка асосланади. Ижтимоий хизматни нафақат давлат бошқаруви органлари, шу билан бирга, йирик тадбиркорлар, юридик, жисмоний шахслар ҳамда нодавлат тузилма вакиллари ҳам амалга ошириши мумкин.

<sup>58</sup>Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фондлар. -Т.: Шарқ, 2003.

<sup>59</sup>Рахимова Д. Давлат томонидан кучли ҳимоя тадбирларини қўлланиши. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000. №3, 40-41бетлар.

<sup>60</sup>Зиявуддинова А. Инвестиции в образование: международный опыт. //Экономический вестник Узбекистана, 1999г., №4;

<sup>61</sup> Хакимова М.А. Реформирование и развитие социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. - Т.: 2000.

<sup>62</sup>Рахимова Д. Давлат томонидан кучли ҳимоя тадбирларини қўлланиши. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000. №3, 40-41бетлар.



Оила тарихан ижтимоий институт бўлиб шакллангач, уни ҳар тарафлама эъзозлаш ва қўллаб-қувватлар дунё халқлари маданияти ва урф-одатларида ўз муҳим ўрин эгаллаб келган. XIX-XX асрларда социология, жумладан, оила социологиясининг ва ижтимоий хизмат фаолиятининг институтлашуви натижасида кўплаб олимларнинг илмий концепциялари яратилди. Уларда оила ижтимоий груп ва институт сифатида талқин этилиб, жамият аъзоларини такрор ишлаб чиқарувчи кичик бирламчи груп, ижтимоий бирлик, жамиятнинг кичик модели, фарзандлар ижтимоийлашувининг дастлабки макони, жамият функцияларининг ilk намунасини ифода қилидиган мини прокцияси сифатида кўриб чиқилди. Шу билан биргаликда жамият ва давлатнинг имжитимоий ҳимоя функцияси ва механизmlарини амалга ошириш борасидаги илмий назариялар, унинг долзарблиги борасидаги концепциялар яратилди. Бугунги кунда улар оилани ижтимоий ҳимоя қилишнинг долзарблиги ва ўзига хос жиҳатларини аниқлашда илмий асос бўлиб ҳизмат қилмоқда. Оила жамиятнинг асосий ижтимоий институти сифатида қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамиятга эга.